

## ЎЗБЕК ВА КОРЕЙС ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7856454>

**Ирода Санъат қизи Тоҳирова**

*Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси*

### **Аннотация.**

*Бу мақолада ўзбек ва корейс адабиётида халқ оғзаки ижодида яратилган асарлар ҳақида маълумот берилиб, уларнинг ўхшаш томонлари қиёсланган ҳамда иккала адабиётда ҳам инсон ва табиат ҳақидаги шеърлар кўрсатиб ўтилган.*

### **Калит сўзлар.**

*ўзбек адабиёти, корейс адабиёти тарихи, корейс адабиёти, давр, шеърят, лапар, эртак, жанр, достон, шеър.*

### **Abstract.**

*This article provides information about works created in folk oral art in Uzbek and Korean literature, compares their similarities, and shows poems about man and nature in both literature.*

### **Key words.**

*Uzbek literature, history of Korean literature, Korean literature, period, poetry, lapar, fairy tale, genre, epic, poet.*

Маълумки, шарқ минтақалардаги тушунчалар ғарб тушунчаларига нисбатан фарқ қилади. Азалдан шарқ халқларида оила, шарм-ҳаё, деҳқончилик каби мавзулар шеърятда ҳам ўз аксини топган. Бугун қўл урилаётган мавзу икки шарқ минтақасидаги халқ оғзаки ижодини солиштиришга қаратилган.

Авалло фольклор терминига тўхталинса, бу термин инглизча – “folk” – халқ ва “lore” – донолик сўзларидан келиб чиққан бўлиб, халқ донолиги, халқ донишмандлиги маъноларини англатади. Юртимизда бу халқ оғзаки поэтик ижоди тушунчаси сифатида қўлланилади.

XIX аср тадқиқотчиси Вильям Томс томонидан “Фольклор” термини биринчи марта 1846 йилда қўлланилган бўлиб, кейинчалик халқаро терминга айланди ҳамда дунёнинг кўпгина мамлакатларида қўлланила бошланди.

Ўзбек фольклори хилма-хил жанрлардан таркиб топган оғзаки сўз санъати бўлиб, ўзбек халқининг дунёқараши, бадиий завқи, ижодий салоҳияти, симпатия ва антипатияси, орзу ва интилишларини акс эттиради<sup>34</sup>.

Дунёдаги кўп халқларда бўлгани каби, ўзбек ва корейс халқларида ҳам фольклорда воқеликнинг ифодаланиши шеър, эртак, мақол, кўшиқ сингари хилма-хил жанрларда шаклланган.

Ўзбек ва корейс халқлари поэтик ижодини таққосланса, ҳар икки халқда ҳам шеърят ижоди ёзув пайдо бўлмасдан илгари юзага келган. Унинг яратилиши ҳамда халқ орасида тарқалиши жонли оғзаки анъана билан боғлиқ. Албатта, узоқ асрлар давомида оғзаки яратилган фольклор оғзаки ижроси унинг шакл ва мазмунига таъсир этмасдан қолмайди.

Халқ оғзаки ижоди жаҳон фольклоршунослиги фани тан олган бешта хусусиятга эга. Улар:

1. Анъанавийлик.
2. Оғзакилик ва бадиҳагўйлик.
3. Жамоалик ва оммавийлик.
4. Вариантлик ва версиялик.
5. Анонимлик (асарни яратган муаллиф исмининг номаълумлиги)<sup>35</sup>.

Корейс адабиёти ўзининг вужудга келиш даврида айниқса фольклорга фаол мурожаат этган. Эпик ижод, масалан, тарихий асарларда давлат идеали муносабати билан ўзлаштирилади ҳамда Будда таржимаи ҳолидан руҳланади ва ўша даврнинг йирик шоирлари учун илҳом манбаи бўлиб хизмат қилди. Мифлар, ривоятлар, шаманларнинг афсоналаридан буддавий муаллифларнинг асарларида фойдаланилади, чунки маҳаллий фольклорга қизиқиш буддизм анъаналарига мувофиқ келади<sup>36</sup>. ёзув матнининг қиймати, оғзаки матннинг қийматига қараганда кўп бўлган. Чунки ўша давр муаллифлари қарашича, ҳамма воқеликда бўлган ҳодисалар ҳам, ҳикоялар ҳам ёзувда берилмаган. Юртимизда ҳам дастлабки ижод оғзаки тарзда бўлган.

Юртимизда энг қадимги миф намуналари “Авесто” орқали етиб келган, маълум бир қисми эса, халқ оғзаки ижодининг баъзи жанрларида сақланиб, ҳозирги кунгача етиб келган. Мифологияда фақатгина ҳаёлий образлар, сеҳргарлик эмас, балки ҳаётга, табиатга нисбатан бўлган муносабат ифодаланади. Бу инсонни табиатда бўладиган сув тошқини, сел, zilзила,

<sup>34</sup> К.Имомов ва бошқ. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Т.:Ўқитувчи, 1990. – Б. 4.

<sup>35</sup> <https://e-adabiyot.uz/maqola/867>

<sup>36</sup> В.Н.Ким, У.Т.Сайдазимова, И.Л.Пак.Ўрганилаётган мамлакат адабиёти. – Т.:ТошДШИ нашриёти, 2010. – Б. 18

бўрон каби табиий офатларини олдини олиш, унга қарши турувчини излашга доир қарашлар туфайли юзага кела бошлаган. Шу тарзда яхшилик ва ёмонлик каби мифологик тушунчалар юзага келиб, натижада осмон, ой, қуёш, олам, денгиз ҳақидаги худоларни тасвирловчи мифлар пайдо бўлди. Бу ҳолатни корейс адабиётида ҳам кузатиш мумкин. Дастлаб конфуцийлик таълимоти орқали ривожланган корейс адабиёти, секин-аста буддавийлик таълимотига ўтган. Бу ўз навбатида ҳокимиятга бўйсуннишни тараннум этишликдан, табиат қўйнига кетиш тамойилини бошлаб берган.

М.Муродованинг фикрича: “Зардуштийлик китоби “Авесто” да икки яратувчи куч-яхшилик ва ёмонлик Ахурамазда ва Ахриман киефасида намоён бўлади. Ахурамазда яхшилик, ёруғлик, ободончилик ва эзгу кучларнинг худосидир. Ахриман барча ёвузлик ва ёмонликни бошқаради. У Ахурамаздага қарши чиқади ва ўзига қарашли девлар ёрдамида одамларга азоб уқубат, машаққат, кулфат келтиради. Ахриман зўр куч ва қудратга эга бўлсада, бироқ Ахурамазда каби ҳар нарсага қодир ва қобил эмас, шу сабабли ёмонлик кучлари яхшилик олдида доим мағлубиятга учрайди. Ёруғлик манбаи қуёш деб кўрсатилади. Қуёш нури инсонга ҳаёт бағишлайди. Олов эса қуёшнинг бир парчасидир”<sup>37</sup>.

М.И.Никитина ҳам қадимги корейс шеърлятида мифларни берилишига доир китобини ёзган <sup>38</sup>. “Тошбақа кўшиғи” (Кучжи ка, мелоддан аввалги 42 йил)да мифлар тасвири, корейслар диний ва оммавий маросимларида ажойиб тарзда тасвирланганини кўрсатади. Бу қадимий кўшиқлар афсоналарга асосланган бўлиб, турли маросимлар сабабли оддий адабий жанрлар ишлаб чиқилишига олиб келди.

Корейс мифларида худоларнинг аниқ кўриниши мавжуд эмас. Маълумки, қадимги юнон ёки славян мифологиясида худолар турлидир. Корейслар мифологиясининг яратилишига буддизм кучли таъсир кўрсатган. Ҳатто баъзилар корейс афсоналарида Хитой ва Ҳиндистондан кириб келган дин томонидан ўзлаштирилган, асосий қахрамонлар, руҳлар эса буддист худолар билан алмаштирилган деган, тахминлар мавжуд. Бундай тахминга кўра, Ер ва Осмоннинг пайдо бўлиши ҳақидаги миф бўлиб, бу афсонанинг асосий қахрамонлари Майтрея ва Сакуамуний эмас, балки бошқа қадимги худолар бўлган. Бироқ, шоманик кўшиқ ва маросимларнинг мавжудлиги афсоналарда ҳам ўз ўрнини топган. Осмон ва Ернинг пайдо

<sup>37</sup> Муродова М. Фольклор ва этнография. Т.2006, - Б. 12.

<sup>38</sup> Никитина М. И. Древняя Корейская поэзия в связи с ритуалом и мифом // М: Изд-во “Наука” – 1982. – 328с

бўлиши ҳақидаги афсонада руҳларга сиғинишнинг анъанавий шаманистик маросимлари ҳақида сўз боради.

Кўпинча мифларда бош қаҳрамонларнинг тоғларга кетиши ҳақида ёзилади. Корейс адабиётида табиатга, хусусан, тоғларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш сақланиб қолган. Корейслар учун тоғлар айниқса кузда, барглари сариқ тусга кирган ҳар хил ёрқин рангларга эга бўлганида жуда гўзалдир.

Корейс шеърляти дастлаб хитой шеърляти асосида шакллланган. Она тилидаги шеърлят – “хянга” (Қадрдон макон кўшиқлари) ёки “Сенен норе” ёки “Санвега” (Шарқ кўшиқлари). Бу атама муайян типдаги шеърлий асарлар ўн мисрали “хуангани” ифодалаш учун ишлатилади. “Хянга” VIII-X асрларга мансуб ҳодиса ҳисобланади<sup>39</sup>.

Ўзбек фольклорида исломгача бўлган даврда Зардуштийлик китоби “Авесто”даги икки куч Ахурамазда-яхшилик ва Ахриман- ёмонлик сифатида таърифланиб, бунда Ахурамазда яхшилик, эзгулик, ёруғлик, ободончиликни тараннум этса, Ахриман эса ер юзидаги барча ёвузлик ва ёмонликни бошқариб, доимий равишда эзгулик кучи бўлмиш Ахурамаздага қарши чиқиб, унинг қўл остида бўлган девлар ёрдамида одамларга азоб уқубат, машаққат, кулфат юборади. Ёмонлик кучи Ахриман кучли, қудратли бўлсада, бироқ эзгулик кучи бўлмиш Ахурамазда каби ҳар нарсага қодир эмас, шунинг учун доимо ёмонлик кучлари яхшилик олдида мағлуб бўлади. “Авесто” да ёруғлик манбаи сифатида қуёш деб кўрсатилиб, унинг нури инсонга ҳаёт бағишлаши эътироф этилади. Албатта, олов қуёшнинг бир парчасидир. Шу сабабли ҳозирги кунимизда ҳам баъзи чекка вилоятларда тўй маросимларида келинни олов атрофида айлантриш удуми сақланиб қолган.

Профессор Н.М.Маллаевнинг маълумот беришича, мифлар ҳақида яна “Бундахишн” китоби ҳам бор. “Мифологияга кўра, Гайа Марган (Каюмарс) ер юзида пайдо бўлган биринчи одам бўлиб, гўё у Ахурамазда (Хурмуз) томонидан яратилган ва икки вужуддан: хўкиздан ва одамдан ташкил топган экан. Инсониятнинг ашаддий душмани бўлган Ахриман Каюмарсни ўлдиради. Каюмарс жасадининг хўкиз қисмидан 55 хил дон, 12 хил ўсимлик,

<sup>39</sup> В.Н.Ким, У.Т.Сайдазимова, И.Л.Пак.Ўрганилаётган мамлакат адабиёти. – Т.:ТошДШИ нашриёти, 2010. – Б.39-40.

сигир ва хўкиз, улардан эса 272 хил фойдали ҳайвонлар пайдо бўлади; одам қисмидан инсоннинг эркак ва аёл жинси ҳамда металл вужудга келади”<sup>40</sup>.

Корейс фольклорида эса хитойдан кириб келган конфуцийлик ва буддавийлик таълимотига асосланган шеърият ривожланган. Буддизм “хянга” шеъриятига манфаатдорлик кўзи билан қараган. Кўпроқ бизнинг давримизгача етиб келган хянга матнлари буддавий муаллифларининг асарларидир. Атоқли шоир Кюнё (917-973) қаламига мансуб ўн битта хянга ҳам буддавийлик маросимлари билан боғлиқ бўлиб, мана улардан бири:

Бу серзахмат

Дхарма дунёси, Будда тахти сари

Йўл олмоқдаман

Ва ҳақиқат ёмғирини сўраб ёлвораман.

Ундан бутун тириклик ўсадиган,

Яхшилик ниҳоллари ниш ура олмайдиган

Далани суғоришни сўраяпман.

Зеро, тирикларнинг ташландик тупроқда

Чуқур илдиш, отган жонлари эхтиросларга берилган.

Уйғниш ойи аниқ бўлган куз кескин

Ва маърифат мевалари етилсин.

Бу хянгани Кюнё буддавийлар маросими чоғида хитойча матнни корейсча шеър билан алмаштириш учун “Хяньтсзин” сутрасининг машҳур бобларидан бири асосида яратган<sup>41</sup>. Булар албатта халқни буддавийликка тарғибот сифатида ёзилган.

Маҳмуд Кошғарий “Девону луғоти-т-турк” асарида шахсан ўзи ёз кунларида ёнғин бўлганда, бу тош мўъжизаси билан ёмғир чақирилиб, ёнғин ўчирилганига гувоҳ бўлганини ёзади. Кейинчалик ёмғир чақириладиган ҳудудларда “Суст хотин” маросими ўтказилган. Бу маросим бир жойда аёллар, бир жойда эркаклар иштирокида ўтказилган:

Суст хотин – султон хотин,

Кўланкаси майдон хотин.

Сув хотин – сувсиз хотин,

Кўйлақлари бўз хотин.

Ҳосиллар мўл бўлсин, сув хотин,

Дехқоннинг уйи тўлсин, сув хотин.

<sup>40</sup> <https://e-adabiyot.uz/maqola/867>

<sup>41</sup> В.Н.Ким, У.Т.Сайдазимова, И.Л.Пак.Ўрганилаётган мамлакат адабиёти. – Т.:ТошДШИ нашриёти, 2010. – Б.40-41.

Казобнинг уйи куйсин, сув хотин,

Сув хотин – сувсиз хотин<sup>42</sup>.

Бу кўшиқлар орқали ёмғир чақириш маросимлари ўтказилган.

Юртимизда бир неча асрлардан бери сақланиб келаётган лапарлар, аскиялар ҳозирги кунга қадар ўз жозибасини ёқотмаган. Бу минтақада кўғирчоклар билан бирга ўша давр ҳукмронларини қоралаш, уларнинг золимликларини тараннум этишлик бўлгани каби тамоша тарзидаги бу жанр Хахва, Чинжу, Кимхэ, Кённам каби Корея минтақа ва шаҳарларида ўтказилган. Бу жанрнинг энг кўзга кўринган вакиллари – Янжудан “сандэ кук”, Хахведан “пёльсин кут”, Чинжудан “Беш актёрли спектакль”. Бу песаларнинг келиб чиқиши ҳали аниқланмаган, уларнинг ривожланиши шаманлар томонидан ўтказилган ибтидоий жамоа маросимлари билан бошланган. Аста-секин спектаклларнинг тантанали жиҳати йўқола бошлади ва уларнинг драматик ва ҳажвий хусусиятлар сақланиб қолди.

Шунингдек, ўзбек халқ оғзаки ижодида мифологик тимсолларга қаҳрамон сифатида талқин этилган эртак ва дostonлар ҳам бор. Буларга Тўмарис, Широқ, Рустам, Сиёвуш, Гўрўғли ва Алпомиш хаёлий тимсоллар тимсоллар ривожланиб, ватанпарварлик ва қаҳрамонликни мадҳ этувчи тимсоллар даражасига кўтарилди. Адабиёт тарихидан маълумки, “Тўмарис”, “Широқ” каби афсоналарда тарихий ҳодисалар ҳисобланиб, ватанпарварлик туйғусини тараннум этади. Бу афсонада Доро (Эрон шоҳи) билан Шак кабилалари ўртасида юз берган жанглар ҳақида ҳикоя қилинган бўлса, “Тўмарис” эса, қадимги жанговар аёллар ҳақида бўлиб, бунинг натижасида “Ойсулув” достони ёзилган. “Алпомиш”, “Гўрўғли” ватанга қаҳрамонга ҳимоя қилиш, “Равшан”, “Кунтуғмиш” – ишқий-романтик дoston бўлса, “Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам”, “Сайёд ва Ҳамро”- китобий дostonлар тоифасига киради.

Корейс адабиётида ҳам японлар устидан ғалаба қилинган Имжин уруши(1592-1598) ва ундаги ватан қаҳрамони Ли Сун Син (1545-1598)ни мадҳ этган сичжо жанридаги шеърлар машҳур бўлган. Шунингдек, корейс адабиётида қиролликларнинг келиб чиқишини тушунтирувчи афсоналар ҳам бўлиб, Корея ярим оролида ҳукмронлик қилган Когурё ва Пуё афсоналарини ўз ичига олади, уларда уларнинг қирол аждоди Чумон Хемосу ва Юхвадан, шунингдек Силла ва Каядан туғилганлиги эътироф этилади. Бу афсоналарнинг барчаси ўз қаҳрамонларининг ютуқларини мактаб, улар

<sup>42</sup> [http://turizm.kasaba.uz/uz/uzbek\\_legends\\_and\\_mythes/uzbek\\_national\\_falklore](http://turizm.kasaba.uz/uz/uzbek_legends_and_mythes/uzbek_national_falklore)

нафақат Корея давлатларининг асосчилари, балки ер юзидаги турли қийинчиликларни енгиб ўта олган ҳукмдорлар сифатида ҳам кўкларга кўтаришади. бу ҳукмдорларнинг барчаси осмон билан боғлиқ, деб қарашади ҳамда бу ривоятларлар улуғланиб, осмонга бағишланган байрам ва маросимлар тарзида ўтказилган.

Ли Хваннинг фикрига кўра, Чосон ( Ли) ни ижтимоий ҳаётга татбиқ этиш йўли маросим ва ахлоқий меъёрларга аниқ риоя қилишда бўлган. Бу фақат объектив воқеликка (табиатга, атрофдаги одамларга) “хурмат” (кён) га ички муносабатни тарбиялаш билан мумкин. Шу сабабли бу даврда кўпгина шеърлар табиатга интилишни мужассамлаштирган “сичжо” жанрида ёзилган. Бу жанрдаги шеър ўқилмай, кўшиқ сифатида ижро этилган.

간 방에 부던 바람 눈서리 치단 말가  
낙락장송이 다 기우어 가노매라  
하믈며 못다 핀 꽃이야 알러므슴하히오

Кеча одамлар менга айтишди

Бўрон кўтарилди, қор кўчкилари тўпланди.

Одамлар менга: ҳамма бирдек,

Доим яшил кесилган қарағайлар!

Хўш, гуллар ҳақида нима дейишим мумкин

Қайси бири очилмади?

Бу “сичжо”да у мажозий маънода мавжуд бўлган ҳамма нарсанинг мўртлиги ғоясини ифодалайди, ҳатто доим яшил қарағайлар кучли бўрон ҳужуми олдида кучсиздир.

Корейс адабиётида бўлгани каби табиатни тараннум этувчи шеърлар ўзбек адабиётида ҳам мавжуд:

Ҳамал ёмғири далалардаги барча гиёҳларни, ўт-ўланларни кўкартиргани боис, у ҳақда қуйидаги терма ижро этилади:

Ердан гиёни кўкартар,

Ҳамалнинг ёмғир, жаласи,

Бутун йўлларни яшнатар,

Саврнинг гулу-лоласи, - дейилади<sup>43</sup>.

Бу термада ёмғир суви ўт-ўланларни суғориб, уларни ўсишини таъминлаши тараннум этилган.

“Бойчечак сайли” даста-даста бойчечак териб олган болалар тўп-тўп бўлишиб, қишлоқ айланишган ва ҳар бир хонадон эшиги олдида борганда:

<sup>43</sup> Жўраев М. Ўзбек мавсумий маросим фольклори. Т.: Фан., 2008. – Б. 20

Адирлар тўла чечак,  
Биз келдик уча-уча,  
Бойчечагим, бойчечак,  
Кутиб олинг, у,ой чечак<sup>44</sup>.

Бу каби шеърлар, шу кунга қадар ижро этилиб келмоқда. Айниқса “Наврўз” сайлида ҳали ҳануз айтилади.

#### ХУЛОСАЛАР

Масалага хулоса тарзида қуйидагиларни таъкидлаш мақсадга мувофиқдир:

Ўзбек ва корейс халқларида ҳам фольклорда воқеликнинг ифодаланиши шеър, эртақ, мақол, кўшиқ сингари хилма-хил жанрларда шаклланган ва ривожланган ҳамда ҳозирги кунгача етиб келган.

Ўзбек адабиётининг энг қадимги миф намуналари “Авесто” орқали етиб келган, маълум бир қисми эса, халқ оғзаки ижодининг баъзи жанрларида сақланиб, ҳозирги кунгача мавжуд. Мифологияда фақатгина хаёлий образлар, сеҳргарлик эмас, балки ҳаётга, табиатга нисбатан бўлган муносабат ифодаланган.

Ўрта аср корейс адабиётида кўпгина шеърлар табиатга интилишни мужассамлаштирган “сичжо” жанрида ёзилган.

Мовароуннахрнинг кўпгина минтақаларида ёмғир чақиритиш учун “Суст хотин” маросими ўтказилган бўлиб, бу маросим бир жойда аёллар, бир жойда эркеклар иштирокида бўлган.

Корейс адабиёти дастлаб конфуцийлик таълимотини тарғиботига бағишланган шеърлар ижод қилинган бўлса, кейинчалик Чосон (Ли) ҳукмронлиги даврида буддавийлик таълимотини тараннум этувчи шеърый жанрлар ривожланган.

#### ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Жўраев М. Ўзбек мавсумий маросим фольклори. Т.: Фан., 2008
2. К.Имомов ва бошқ. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. Т.:Ўқитувчи, 1990. – Б. 4.
3. В.Н.Ким, У.Т.Сайдазимова, И.Л.Пак.Ўрганилаётган мамлакат адабиёти. – Т.:ТошДШИ нашриёти, 2010. – Б. 18
4. Муродова М. Фольклор ва этнография. Т.2006, - Б. 12.

<sup>44</sup> Ўша китоб.. – Б. 86



5. Никитина М. И. Древняя Корейская поэзия в связи с ритуалом и мифом // М: Изд-во "Наука" - 1982. - 328с
6. <https://e-adabiyot.uz/maqola/867>
7. [http://turizm.kasaba.uz/uz/uzbek\\_legends\\_and\\_mythes/uzbek\\_national\\_falklore](http://turizm.kasaba.uz/uz/uzbek_legends_and_mythes/uzbek_national_falklore)